

Хошимов П.З. –
и.ф.н., ЎзМУ доценти
Зикрияев З.М. –
СамДУ тадқиқотчиси

ИШЧИ КУЧИ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ – ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришиш кўп жиҳатдан қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш билан узвий боғлиқдир. Қишлоқда ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ўрганиши аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш, ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш умуммамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланиши гаровидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳали-бери фойдаланилмаётган катта резерв ва имкониятлар мавжудлигини тан олишимиз ҳамда бунга алоҳида эътибор қаратишимиш зарур.

2012 йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шаклларини кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди"¹.

Қишлоқ меҳнат бозорида вужудга келадиган муносабатлар яққол ифодаланган ижтимоий-иктисодий хусусиятга эга бўлиб, улар умуммамлакат эҳтиёжларига дахлдордир. Қишлоқ меҳнат бозори орқали қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги, меҳнатга

ҳақ тўлаш ва рақобатбардошлик даражалари белгиланади.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози туфайли бугунги кунда ҳам кўплаб мамлакатларда, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши кузатилмоқда. Бунинг натижасида меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф мувозанати бузилиб, ишсизлик даражаси ўсиб кетди. Бундай ҳолатда фақатгина рақобатбардош бўлган ишчи кучларгина ўз иш жойларини сақлаб қолишга эришмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди"².

Қишлоқ меҳнат бозори ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг шундай мажмуини ўзида мужассам этадики, иш ўринларига нисбатан бўладиган ҳаракат иқтисодий фаол

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 14-, 19-б.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 4-б.

1-жадвал

2006-2012 йилларда Самарқанд вилояти қишлоқ жойларидағи меҳнат ресурсларининг ҳолати (минг киши)¹

№	Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2008-2012 й.й.да ўсиш, (% да)
1	Доимий аҳоли сони	2595,9	2630,5	2660,6	2705,1	2790,7	107,5
2	Меҳнат ресурслари	1286,1	1328,2	1403,4	1426,9	1612,0	125,3
3	Шундан, иқтисодий фаол аҳоли	983,3	958,4	981,5	972,8	1160,8	118,1
4	Иш билан банд бўлганлар	902,8	984,3	927,9	940,4	1097,8	121,6
5	Иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар	580,2	659,8	702,2	724,1	653,1	112,6
6	Иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар	322,6	324,5	248,4	280,0	418,9	129,9

аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича хўжалик фаолияти соҳаларига жойлашуви орқали амалга оширилади. Бозор рақобат жараёнида мустақил тарзда тартибга солинишдек жиҳатларни ҳамда давлат томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган таъсир ўtkазилишини ўзида акс эттиради. Қишлоқ меҳнат бозорида ишчи кучи сифат кўрсаткич, бу унинг рақобатбардошлигидир.

Инновацион ривожланиш шароитида Самарқанд вилояти қишлоқ меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини таъминлаш ва ошириш натижасида ишсизликни камайтириш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, иш билан бандлик сиёсати ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг таркибий қисми сифатида меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва унинг ривожланиши бўйича муаммоларни ечишга йўналтирилиши зарур. Маълумки, Самарқанд вилояти аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлашда ва ишсизлик даражасини пасайтиришда қишлоқ меҳнат бозорининг аҳамияти каттадир. Чунки вилоятнинг қишлоқ жойларида ишчи кучи салмоғи юқори, шунуктаи назардан олганда ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф айнан қишлоқ меҳнат бозорида ўзаро тўқнашади. Шу боис меҳнат бозори инфратузилмасини самарали ривожлантириш ҳамда ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш Самарқанд вилоятида ижтимоий-

иқтисодий тараққиётнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида яшовчи доимий аҳоли сони 2012 йилда (2790,7 минг киши) 2008 йилга (2595,9 минг киши) нисбатан 107,5 фоизга, меҳнат ресурслари 125,3 фоизга ўстган. Шундан, иқтисодий фаол аҳоли сони 2012 йилда (1160,8 минг киши) 2008 йилга (983,3 минг киши) нисбатан 118,1 фоизга, иш билан банд бўлганлар сони эса 121,6 фоизга ўсиши кузатилган. Ўрганилаётган даврда иқтисодиётнинг расмий секторидаги иш билан банд бўлганларнинг сони 112,6 фоизга ўстган бўлса, норасмий секторда банд бўлганлар сони, 2012 йилда (418,4 минг киши) 2008 йилга (322,6 минг киши) нисбатан 129,9 фоизга ўсиши кузатилган.

Бунга сабаб, қишлоқ жойларда иш билан банд бўлганларнинг 26,7 фоизи айнан иқтисодиётнинг норасмий секторида меҳнат қилишмоқда. Улар, асосан, қуидагилардан иборат:

иш билан мавсумий, вақтинчалик, номаълум муддатга ва бир кунлик бандлар;

тегишли рухсатномасиз якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар;

меърий-хуқуқий асосга эга бўлмаган ўйхўжалиги ва оиласибий бизнесга ёрдамлашаётганлар;

тегишли расмий ҳужжат ва шартномалариз ишлаш учун хорижга кетган.

Қишлоқ меҳнат бозори иқтисодий фаол қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилишини таъминлайди. У

¹Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисоблаб чиқилган ҳамда СамдУ эксперտ гурӯҳи томонидан тасдиқланган.

Самарқанд вилоятида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Марказлари орқали ишга жойлаштирилган ишсизлар сони¹

Кўрсаткичлар	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2006-2012 й.й.да ўсиш, (%) да)
Марказларга иш сўраб мурожаат қилганлар	52184	53753	63880	64355	73021	76287	72721	139,3
Марказлар йўлланмаси билан ишга жойлашганлар	47250	48708	58636	59020	65412	68360	67303	142,4
Ишсиз мақомини олганлар	4369	4446	4797	5051	7609	6813	5316	121,6
Касбга ўқитиш ва малакасини оширишга йўналтирилганлар	467	555	841	652	1056	1125	1065	228
Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтирилганлар	1394	1633	2462	3245	5500	5609	4215	302,4

ходимнинг ўзи учун мос иш жойига ўтишини енгиллаштиради. Меҳнат бозори орқали қишлоқлардаги корхоналар зарур миқдорда ва талаб қилинган сифатга эга бўлган ишчи кучи билан таъминланади.

Меҳнат бозорида, табиийки, рақобат мавжуд. Бу, бир томондан, ёлланма ишчи-ходимларнинг ўз касбий маҳоратларини ўстиришлари ва кенгайтиришлари, мала-ка оширишларини рағбатлантиради, иккичи томондан эса, иш берувчиларни қулай меҳнат ва унга ҳақ тўлаш шароитларини яратишига ҳамда сақлаб туришга ундаиди (2-жадвал).

Самарқанд вилоятида кейинги йилларда аҳолининг иш билан бандлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. 2006 йилда Туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига мурожаат қилганларнинг сони 52 184 кишини ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб 72 721 кишига етган ёки 139,3 фоизга ўсган. Ўрганилаётган даврда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари йўлланмаси билан ишга жойлашганларнинг сони эса 142,4 фоизга ортган. Вилоята 2006-2012 йиллар давомида ишсиз мақомини олганларнинг сони 4 369 кишидан 5 316 киши (121,6 фоиз)га ҳамда касбга ўқитиш ва ма-


лакасини оширишга йўналтирилганларнинг сони 467 кишидан 1 065 киши (228,1 фоиз) га ўсган. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинганлар миқдори эса 2012 йилда (4 215 киши) 2006 йилга (1 394 киши) нисбатан 302,4 фоизга ўсган. Самарқанд вилояти аҳолисини, хусусан, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар қишлоқ жойларда яшаётган аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини бермоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларидан фойдаланиш, бу масалага туман ва шаҳар жамоатчилигини жалб этиш ҳал қилувчи йўналиш бўлмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида битирувчиларнинг аксарият қисми иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди. Самарқанд вилояти бўйича битирув йили охиригача ишга жойлашиши лозим бўлган бакалаврлар сони камайишга юз тутмоқда, 2012 йилга келиб 5,1%ни, магистрлар эса 2012 йилга келиб 15,6%ни ташкил этган (1-расм).

Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида кейинги йилларда аҳолининг иш би-

¹ Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисоблаб чиқилган.

1-расм. Самарқанд вилояти олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши (2008-2012 й.й.)¹



лан бандлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолини фойдали меҳнат билан банд бўлишини, унинг меҳнат даромадига эга бўлиши, аҳолининг яшаш шароити ва турмуш сифати яхшиланишига олиб келмоқда.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини янада ошириш учун қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

уй меҳнати (касаначилик) кўламини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга кенг шароитлар яратиш, жумладан, ушбу тадбирларга иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғармани имтиёзли кредитларининг 20 фоиздан кўпроғини йўналтириш;

қишлоқ аҳолисининг ўз-ўзини иш билан банд этиш шаклларини рағбатлантириш, ўз ишини бошлиш ниятида бўлган ва иш билармон ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида иш билан таъминлаш марказлари фаолиятини кучайтириш;

қишлоқ меҳнат бозорига биринчи марта кириб келаётган ёшларнинг ўзларига мақбул келадиган иш топишида амалий кўмак бериш, касбга ўқитиш ва ижтимоий ҳимояни

ташкил этиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш;

қишлоқ жойларда маҳаллий хомашёдан рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган енгил ва озиқовқат саноатининг кўп меҳнат талаб этадиган соҳаларини жадал ривожлантириш ва ҳ.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, Самарқанд вилояти қишлоқ меҳнат бозорида меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг самарали усуслари шаклланмаганлиги қишлоқ аҳолисининг оқилона иш билан бандлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун, аҳоли бандлигини таъминлашда қўйидаги асосий шарт-шароитларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

қишлоқ меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабнинг ортиши ва унга таклифнинг камайиши;

қишлоқ жойлардаги меҳнатга қобилиятили ёшлар, пенсионерлар, кўп болали аёллар ва ногиронлар бандлигини оширишни рағбатлантириш;

қишлоқларда ишсизлар малакаси ва рақобатбардошлигини ошириш;

туман бандлик хизмати органлари инфраструктурилмасининг самарали ривожланишини таъминлаш;

қишлоқ жойлардаги иқтисодиётнинг барча тармоқлари ишлаб чиқариш таркибини иқтисод ва молия / экономика и финансы 2013, 7

¹Самарқанд вилояти олий таълим муассасалари маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган ва СамДУ эксперт гуруҳи томонидан тасдиқланган.

такомиллаштириш ва моддий-техника таъминотини яхшилаш;

қишлоқ хўжалигига янги техникани, са-
марали технологияларни изчиллик билан
татбиқ этиш;

қишлоқда тадбиркорлик шаклларини ри-
вожлантириш;

қишлоқда ишчи кучи меҳнатининг сама-
рали турларини ташкил этиш ва ривожланти-
риш;

қишлоқларда мутахассис ходимларни тай-
ёрлаш, малакасини ошириш, уларни моддий,
маънавий рағбатлантиришни такомиллашти-
риш ва б.

Адабиёт

1. Каримов И.А. Бosh мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
3. Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари.
4. Самарқанд вилояти олий таълим муассасалари маълумотлари